



YOSHLAR OVOZI



ЎРГАНИШДАН ЎЗГАРИШ САРИ

Пойтахтимизда Глобал тадбиркорлик ҳафталигига старт берилди

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Халқаро бизнес ва технологиялар асоциацияси, Савдо-саноат палатаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар кўмагида юртимизда иккинчи бор амалга оширилаётган йирик лойиҳа доирасида маҳаллий ҳамда хорижий мутахассислар иштирокида бизнес тренинглари, маҳорат дарслари, онлайн мулоқотлар, давра суҳбатлари каби ёрқин тадбирлар бўлиб ўтади.

Глобал тадбиркорлик ҳафталиги нафақат бизнесда ўз ўрнини топган тажрибали тадбиркорлар, балки соҳага энди қадам қўяётган ёшлар учун ҳам фойдали ва аҳамиятли лойиҳа саналади. Зотан, ҳафта давомида хусусий бизнес ҳамда давлат органлари вакиллари



бир даврада тўпланиб, Ўзбекистонда тадбиркорлик экотизимини яратиш, қолаверса, жамиятнинг турли қатламлари, айниқса, ёшларда бизнес юритиш маданиятини шакллантириш, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ дунёдаги илғор тажрибалар борасида фикр алмашиб, таклифлари билан ўртоқлашмоқда. Шу мақсадда АҚШ, Россия, Исроил, Грузия, Эстония, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа давлатлардан экспертлар ҳамда амалиётчи мутахассислар таклиф қилинган.

Ҳафталикнинг биринчи кунини учрашувларга бой ўтди. Масалан, Ўзбекистон Миллий университетида Хитойдаги Халқаро ёшлар ривожланиш иттифоқи раиси Си Лю ва шу ташки-

лотнинг университетлар бирлашмаси раҳбари Ин Чэн хонимлар билан талабаларнинг кизгин мулоқотида гувоҳ бўлдик. Меҳмонлар тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Хитой тажрибаси ҳақида сўзлаб берди.

Хорижий давлатларнинг ишбилармон доиралари вакиллари Тошкент давлат иқтисодиёт ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетида ҳам бўлди. Талабаларга таълимдаги инновациялар, келажак касблари, блокчейн ҳақида кизикarli маърузалар ўтилди.

Глобал тадбиркорлик ҳафталиги 18 ноябрга қадар давом этади.

Хасан УСМОНОВ

— Психотроп моддалар ўта оғир вазиятларда, хусусан, онкологик касалликларга чалинган беморларда кучли оғриқни қолдириш мақсадида қўлланилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқармаси катта прокурори Элбек Раҳмонов. — Айрим йиғит-қизлар уларнинг хусусиятларини ўзида синаб кўришни хоҳлаб, оғуфурушлар “асири”га айланмоқда. Ёшлар ўртасида “Лирика” ва “Трамadol”дек хавфли психотроп препаратлар ноқонуний айланмасининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси ва ҳукумат қарорига қўра, энди бу турдаги дори воситалари фақат дорихоналарда рецепт асосида соти-



лади. Уларнинг ноқонуний савдоси билан шугулланганлар эса, жиноий жавобгарликка тортилди.

Мулоқот давомида ўтган бир йил мобайнида ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган 25 та қонун ҳамда қонуности ҳужжати қабул қилиниб, 70 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қўшимча ва ўзгаришлар киритилгани қайд этилди. Спикерлар уларнинг ижроси юзасидан ҳам маълумот берди. Яқунда ёшлар ўзларини кизиктирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2019 ЙИЛДА РАСМИЙ САНАЛАРНИ НИШОНЛАШ ДАВРИДА ҚЎШИМЧА ИШЛАНМАЙДИГАН КУНЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

2019 йилда фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун шароитлар яратиш, дам олиш ва байрам кунларидан оқилона фойдаланишнинг таъминлаш мақсадида:

1. 2019 йилда қуйидаги қўшимча дам олиш кунлари белгилансин:
2 январь — чоршанба;
22 март — жума;
2 сентябрь — душанба.
2. 2019 йилда қуйидаги дам олиш кунлари қўчирилсин:
5 январь — шанба 3 январь — пайшанба;
1 июнь — шанба 6 июнь — пайшанба;
7 сентябрь — шанба 3 сентябрь

— сешанбага;
28 декабрь — шанба 31 декабрь — сешанбага.

3. Белгилаб қўйилсинки: бюджет ташкилотларида ушбу Фармоннинг 1-бандида белгиланган қўшимча дам олиш кунлари ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини уч иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланади; ҳар йилги меҳнат таътили даврида сакланмаган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга ушбу Фармонда белгиланган қўшимча дам олиш кунлари қўшилади;

ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартириш ҳисобига олинган ҳолда ўн беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак; бюджет ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотларда ушбу Фармоннинг 1-бандида мувофиқ қўшимча дам олиш кунлари меҳнат таътилига қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномалари ёки иш берувчилар томонидан қасаба уюшмаси қўмиталари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал норматив ҳужжатларда белгиланади.

(Давоми 2-саҳифада)

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Бўстонлик туманидаги “Ёшлар оромгоҳи”да Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчилари учун ўқув-семинари ташкил этилди. Тадбирда ҳудудий етакчилар кенгашларининг матбуот котиблари ва ёшлар медиа гуруҳларининг раҳбарлари ҳам иштирок этди.



Илк кунини Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев ёшлар билан учрашиб, уларга тизимдаги киритилган янгилик ва ўзгаришлар ҳақида маълумот берди. Ўқув-семинари етакчилар учун тажриба мактаби вазифасини бажаришини таъкидлади.

Икки юз нафарга яқин иштирокчи тўрт кун давомида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, “Етакчи” ёшлар маркази мутахассислари ўтказган маҳорат дарсларида ўз билимини мустаҳкамлади. Шунингдек, бошланғич ташкилот фаолиятини

янада такомиллаштириш масаласи муҳокама қилинди.

Мулоқот давомида олий таълим муассасаларида ўтказилаётган тадбирлар, спорт мусобақалари, билимлар беллашуви, бадий кечаларнинг оммавий ахборот воситаларида суёт ёритилаётгани, таълим муассасалари раҳбарияти томонидан бошланғич ташкилотга эътиборнинг пастлиги, Иттифоқнинг туман кенгашлари томонидан бошланғич ташкилотларга услубий ёрдам кўрсатилмаётгани, ижро назоратидаги камчиликлар танқид қилинди. Иштирокчилар факультет етакчилари ойлигини

ташкил этиш, энг намунавий бошланғич ташкилотлар фаолиятини ўрганиш ҳамда минтақавий ёшлар фестивалларини ўтказишга доир таклифлар билдирилди.

Бундан ташқари, ўқув-семинари давомида олий таълим тизимидаги Республика етакчилар кенгаши раислигига сайлов ўтказилди. Яқунда бундай ўқув-семинарларини Ёшлар иттифоқининг вазирлик, идора ва ташкилотлардаги етакчилар кенгаши раислари учун ҳам ташкил этишга келишиб олинди.

Маъмуржон ЭРГАШЕВ

“YOSHLAR — KELAJAGIMIZ” DAVLAT DASTURI — AMALDA “ТИМУР СПОРТ” КУЧАЯДИ!

Чортоқлик ёш тадбиркор Рашидбек Абдуллаев “Тимур спорт” масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари. Корхонада эркаклар ва болалар учун ички кийим ва пайпоқлар тўқилади.

Яқинда Рашидбек фаолиятини кенгайтириш имконига эга бўлди. “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармасидан унга 800 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилган. Ишлаб чиқаришга янги қувватлар олиб кириш ҳисобига яқин истиқболда корхона ишчилигининг сони 30 нафарга етиши кутилмоқда.

Мухбиримиз



DOLZARB MAVZU



ПСИХОТРОП МОДДАЛАР

энди фақат рецепт бўйича сотилади

Ёшлар пресс-клубида “Лирика” ва “Трамadol” каби психотроп препаратларнинг ноқонуний айланмасига доир очиқ мулоқот ташкил этилди.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, айниқса, психотроп моддалар ҳамда



ўткир тигли совуқ қуроллардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини камайитириш, ушбу иллатларга нисбатан йиғит-қизларда мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқувчи ҳамда талабалар иштирок этди.

Юртимизда “Трамadol”, “Лирика” каби инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи дори воситалари кенг тарқалмоқда. Ва бу ниҳоятда хавфли ҳолат. Боз устига, ақсарият ёшлар ушбу препаратлар ҳақида старди тушунчага эга эмас. Кўча-қўйда ҳомиладор аёллар алдов йўли билан, яширин тарзда ёшларга психотроп дори воситаларини сотишга ҳаракат қилаётгани ҳам гоётда ачинарлидир.

MUNOSABAT

ДУНЁ БАХШИЛАРИ
ЖАМ БЎЛАЖАК

Халқ оғзаки ижоди ҳамма асрларда ҳам халқнинг ўтмиши, миллий ва маънавий кадриятларининг инъикоси, бадиий ифодаси бўлиб келган. Унинг кенг тарқалган жанрларидан бири — бахшичиликда халқимиз ижтимоий-маънавий ҳаёти, ахлокий-эстетик қарашлари, адолат ва ҳақиқат, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик каби эзгу фазилатлар юксак пардаларда тараннум этилади.

Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори ёш авлодни миллий кадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи, эзгуликка чорловчи, ватанпарвар, адолатли, мард ва жасур бўлишга ундовчи достонларнинг ортшига хизмат қилишига ишонаман.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Ўзбекистонда мунтазам равишда бахши-шорлар, 1999 йилдан бахши-шор ҳамда оқинлар учун халқро танловлар ўтказиб келинмоқда. Бахшичилик санъати-

га доир дарс соатлари айрим таълим муассасалари ўқув режасига ҳам киритилган. Аммо афсуски, бу борадаги саъй-ҳаракатлар доимо ҳам қутилган самара бераётгани йўқ. Боз устига, бахшичилик анъаналарини давом эттиришга иштиёқманд ёшларнинг унча ҳам кўп эмаслиги қанчадан-қанча достонларнинг унутилишига сабаб бўлмоқда.

Ўйлашимча, Халқро бахшичилик фестивали доирасида олиб бориладиган тарғибот ишлари, қолаверса, бахшиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар юқоридаги муаммоларни бартараф этишга ёрдам бериши мумкин. Шу билан бирга, меҳмонларга кўхна Олтой ўлкаси, Осиё мамлакатларининг бахшичилик анъаналари ҳақида тўқис маълумот етказиб, қадимги санъатимизни дунёга тараннум эта оламиз. Фестиваль доирасида ўтказиладиган илмий-амалий анжуманларда турли давлатлардан келган мусиқашунос олимларнинг фикру хулосалари миллий мусиқамизнинг кейинги

Гулбахор АХИМБЕТОВА,
Қорақалпоғистон халқ бахшиси

ривожи учун фойдали бўлишига ҳам сира шубҳа йўқ.

Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида азалдан шаклланган бахшичилик мактаблари мавжуд. Улар бир-бирдан репертуари ҳамда ижро усуллари билан фарқланади. Хусусан, қорақалпоқ бахшичилик мактаби иккита йўналишдан иборат — бақси (ички овоз услубида дутор ва ғижжак жўрнавонлигида ижро этилади) ҳамда жиров (бўғик овозда кўбиз жўрлигида ижро этилади). Халқро бахшичилик фестивали орқали биз мана шундай ранг-баранглик ва ҳар қайси ҳудуднинг ўзига хос ижро услубларини тўла-тўқис намойиш этишимиз мумкин.

Тарихи узоқ йилларга бориб тақаладиган қорақалпоқ бахшичилигининг жиров йўналиши, таассуфки, аста-секин йўқолиб бормоқда. Ҳозир мамлакатимизда санокли жировчилар қолган, холос. Шу чоққача қанча кўрик-танловларда иштирок этган бўлсам, биронтасида ҳам жиров ва бахшиларга алоҳида ўринлар берилмаган. Бундай ҳолат кишини таажубга солади, ҳафсаласини пир қилади. Фестиваль ташкилотчилари шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратса, нур устига нур бўларди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ2019 ЙИЛДА РАСМИЙ САНАЛАРНИ НИШОНЛАШ ДАВРИДА
ҚЎШИМЧА ИШЛАНМАЙДИГАН КУНЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА
ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Бошланғич 1-саҳифада)

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда байрам (ишланмайди) кунларининг узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, республика аҳолиси учун ички туризм ва фаол дам олиш йўналишларини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари учун четирмалар берилишини ҳамда акциялар ўтказилишини ташкил этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

аҳолининг узайтирилган байрам (ишланмайди) кунларида марокли ва фойдали дам олишни ташкил этиш бўйича тизимли чоралар кўрсинлар; Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда байрам кунлари ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида аҳолининг кенг ҳабардор қилишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси кенгашига:

меҳнат жамоалари ўртасида ушбу Фармоннинг мақсади, мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

узайтирилган байрам кунларида ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларининг марокли дам олишни таъминлаш юзасидан қасаба уюшмалари ташкилотларининг ишлари фаоллаштириш тавсия этилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомидинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 ноябрь



Малик СИНДОРОВ

Жиззах политехника институтинда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ташаббуси билан Ёшлар иттифоқи ҳамда Жиззах

шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида “Энг яхши спортчи оила” мусобақаси ташкил қилинди. Унда ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан бирга иштирок этди.

Беллашув аркон тортиш, югуриш

эстафетаси каби олтита шарт бўйича ўтказилди. Яқиний натижага кўра, сержант Ихтиёр Эргашевнинг оиласи биринчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорларга қимматбахо совғалар топширилди.

“ЖАЙХУН” ЖАҲОНГА
ЧИҚИШГА ТАЙЁР

Қумар БЕГНИЯЗОВА

Чингизхон буюк Турон салтанатининг бўлғуси ҳукмдорларига ишора қилиб Тўмарисга юзланади: “Сен аёл бошинг билан Ватан тинчлиги учун курашаётган бир пайтда мана бу ўғлонларнинг аҳолини қара! Улар бир-бирининг гўштини еяпти. Сенга шу керакми?”. Тўмарис она юртининг эртаси ишонсиз кўлларга тушиб қолиши мумкинлигини бир лаҳза тасаввур қилади, руҳан қўқайди.

Шу пайт сахнада Соҳибқирон Амир Темур сиймоси гавдаланади. Улуғ ҳукмдор рамзий тарих китобида Турон ва Туркистон заминиде етишган авлод қўлга киритаётган ютуқларни кўрсатади. Бундан Чингизхон мулзам бўлиб, бош эгади...

Қорақалпоқ давлат университети “Жайхун” талабалар театр-студияси томонидан сахнадаштирилган “Умрнинг тўрт куни” номли спектаклнинг қисқача мазмунини шундай. Мазкур асар яқинда пойтахтимизда ўтказилган “Ёшлар — келажак бунёдкори” шиори остидаги фестивалда юзлаб томошабинлар олқишига сазовор бўлиб, биринчи ўринга лойиқ топилган. Ишончимиз қомилки, бежиз эмас!

“Жайхун” жамоасини тақдирлаш маросимиде Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов: “Яқин йил-

лар ичиде бундай муқамал сахна асарини кўрмадим”, — деган эътирофиде ҳам жон бор. Одатда, уста санъаткорларга ёкиш қийин. “Умрнинг тўрт куни” кўпчиликка манзур бўлди, демак, асар чиндан-де муваффақиятли чиққан.

— Яхши спектаклни яхши ижодий жамоа билангина дунёга келтириш мумкин, — дейди “Жайхун” талабалар театр-студияси режиссёри Ажинеъ Исмаилов. — “Умрнинг тўрт куни”да тарих ва бугунни учраштирдик, миллимизнинг фахрига айланган қаҳрамонларни замондошлар кўз ўнгиде намойиш этдик. Ҳозирги ҳаётнинг муаммо ва камчиликларини атайин Чингизхон тилидан берганмиз. Акс ҳолда танкид у қадар таъсирли чиқмасди. Менимча, томошабин бизни тушунди. Буни залдаги кўп сонли теран нигоҳлардан илғадим.

“Яхши асар ёзиш, қайта туғилиш билан баробар”, — деган эди Шекспир. Ажинеъ Исмаиловнинг ижод маҳсулини сахнада кўриб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Постановкага 36 нафар талаба жалб қилинган. Жанг сахналарини қучайтириш учун хизмат қилган ария ва рақслар Қорақалпоқ давлат университети “Хурлиман” ансамбли томонидан ижро этилди.

2015 йилда сахна юзини кўрган “Тебранмас юраклар” пье-

саси “Жайхун”нинг дебют иши ва биринчи катта муваффақияти ҳисобланади. Айнан шу асар “Эртанги кун бизники, марра бизники!” шиори остидаги “Ёшлар ҳафталиги” доирасидеги танловда 1-ўринга сазовор бўлганини ҳам яхши эслангиз керак. Шундан кейин театр-студиянинг республика миқёсда бўйлаб гастроль сафарлари уюштирилди.

— “Тебранмас юраклар”ни томоша қилиб, узоқ вақт ўзимга келолмаганим, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Айжамал Жолдасбаева. — Унда она қорнидаги гўдақларнинг қисмати акс этирилган. Жуда таъсирли лавҳалар. “Жайхун” бундан кейин ҳам мана шундай юқори савияли асарлар билан нафақат юртимиз, балки жаҳон сахналарини “забт этади”, деган умиддаман

“Жайхун” талабалар театр-студияси ижодкорлари бугун Айжамалдек содиқ мухлисларнинг ишончини оқлаш ва халққа манзур бўладиган асарлар яратиш йўлида толмай меҳнат қилмоқда. “Ёшлар — келажак бунёдкори” фестивалидаги триумфдан сўнг жамоа 50 миллион сўмлик пул мукофоти билан тақдирланди. Труппанинг халқро фестиваллардаги иштирокини таъминлашга доир ҳаракатлар ҳам бошланган. Демак, қувончли янгиликлар ҳали олдинда!

SARHISOB

ТЕСТ ЎЗГАРИШ
ВА НАТИЖАЛАР

Н.НУРАЛИЕВА

Вазирилари Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази 2018-2019 ўқув йили учун олий ўқув юртлири, шу жумладан, олий ҳарбий таълим муассасаларида ўтказилган тест синовлари яқунларига бағишланган матбуот анжуманини ташкил қилди. Тадбир давомида жорий йилги тест синовларининг фарқи жиҳатлари, йўл қўйилган камчиликлар, қолаверса, бир қанча янгиликлар ҳамда келгуси режалар ҳақида гапириб ўтилди.

Таъкидлаш керак, бу сафарги тест синовлари олий ўқув юртлиридан ташқари, катта павильонларда ўтказилгани жароғининг ҳоли ва шаффоф ўтишига хизмат қилди. Абитурентлар имтиҳон кунининг эртасигаёқ балларини билиш имкониятини яратилгани ҳам катта янгилик. Эслатиш жоизки, йилгит-қизлардан алоҳида иктидор талаб этидиган маданият, санъат, мусиқа, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, спорт ҳамда жисмоний тарбия таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш фақат ижодий имтиҳонлар асосида амалга оширилди. Бу эса, мазкур соҳаларни чинакам салоҳиятли кадр-

лар билан таъминлаш йўлидаги залворли қадамдир.

Жорий йилда Мудофаа, Ички ишлар вазирилари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия ва Давлат божхона қўмитаси тасарруфидаги саккизта олий ҳарбий таълим муассасасига жами 6 минг нафардан ортиқ абитуриент ҳужжат топширган. Шундан 5 минг 876 нафари тест синовиде қатнашган. 60 нафари имтиҳонга сабабсиз келмаган, 130 нафар абитуриент эса, қондаларни бузгани учун имтиҳондан четлатилган. Тест синовлари Тошкент ва Жиззах шаҳарларидаги бешта катта сифимли бинода,

барча талабалар асосиде ўтказилди. Умуман олганда эса, олий таълим муассасаларига кириш учун тест синовларида жами 721 минг 214 нафар абитуриент иштирок этди. Улардан 12 минг 44 нафари талабалар сафинга қабул қилинган.

Тест синовлари натижаларидан норози бўлган 4 минг нафардан ортиқ абитуриент Давлат тест марказига апелляция шикоятини билан чиққан. 52 нафарнинг эътирозини асосли деб топилиб, мутахассислар иштирокида тест варақаси қайта кўриб чиқилди.

Айни вақтда Давлат тест маркази тест синовларини ўтказиш шакли ва усуллари тақомиллаштириш, соғлини пайди бериб, имтиҳонга кела олмаган ёки кечиктирилган, шунингдек, техник хатога йўл қўйгани боис, тест натижалари чиқмаган абитуриентларнинг масаласини ҳал этиш, мавжуд меъёрий ҳужжатларга бир вақтининг ўзида бир нечта олий таълим муассасасига ҳужжат топшириш ва бошқа қатор ўзгаришларни киритишга доир тақдирлар ишлаб чиқмоқда.

SAN'AT

Бетакрор ижро, унутилмас таассурот!

Муслимаҳон ЁҚУБОВА, талаба

Пойтахтимизда V Халқро симфоник мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Лойиҳа Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ташаббуси билан амалга оширилди. Унда Испания, Чехия, Россия, Австралия, Вьетнам, Қирғизистон, Қозғистон, Тожикистон, Эрон, озарбайжонлик санъат усталари, мусиқашунос ва композиторлар қатнашди.

Фестиваль давомида иштирокчилар концерт дастурлари, ижодий учрашувлар, маҳорат дарсларини ташкил этди. Уларо фикр ва тажриба алмашди.

Шунингдек, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан Россия, Вьетнам, Австралия, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон композиторлари уюшмалари ўртасида ҳам-

корлик меморандуми имзоланди.

Катта санъат байрамининг тантанали ёпилиш маросими Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Рустам Абдуллаев очиб берди. Чет эллик меҳмонлар ҳам сўзга чиқиб, ташкилотчиларга ўз миннатдорлигини ифода этди. Уларга

фестивалнинг махсус сертификати ва эсдалик совғалари топширилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон халқ артисти Исмомил Жалилов раҳбарлигидаги Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг ажойиб концерт дастури намойиш этилди. Сахнада Тўлқин Қурбоновнинг “Тўёна”, Айдин Самимининг “Зурван”, Феликс Янов-Яновскийнинг “Соатлар”, Мойзес Бертраннинг “1-симфония. III қисм”, Артык Таксанбаев “Қайтарма”, Ян Мейслнинг “Рапсодия” каби жаҳон мусиқасининг дурдона асарлари янгради. Томошабинлар ҳар бир композицияни гулдурас қарсақлар билан қарши олди.

YUKSALISH

Рохатой ҚОДИРОВА

Бахтли мактаблар фантастика эмас!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ота-оналарнинг фарзандлар таълим-тарбиясидаги масъулиятини ошириш ҳамда зарур психологик-педагогик кўникмаларни олишига кўмаклашиш мақсадида “Мустахкам оила” тренинг дастурини ҳаётга татбиқ этмоқда. Қолаверса, айни вақтда тизимда “Бахтли мактаб” лойиҳаси ҳам амалга ошириляпти.

тирилди. Мутахассислар ўқувчи-ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун махсус машғулотлар ўтказмоқда. Пировард натижада лойиҳага жалб этилган контингент ўзаро ҳурмат, яхши ҳулқи рағбатлантириш, орзу ва мақсадларга эришиш, ўсмирларни қондаларга риоя эттириш ва уларга тўғри таққ қўйиш, ўқувчида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик, зўравонлик, зарарли одатлар (ичиш, чекиш, гиёҳвандлик)га қарши психологик имунитетни вужудга келтириш, боланинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам берадиган оилавий хусусиятларни яхшилаш, оилавий келишув каби масалалар юзасидан янги билим ва кўникмаларга эга бўлади.

“Бахтли мактаб” лойиҳасининг навбатдаги босқичида ҳудудлар кесимида “йўл харита”лари тузилиб, янги амалиёт бошқа мактабларга ҳам олиб кирилади.

Бунинг учун ҳар бир ҳудуддан биттадан таянч мактаб танлаб олинган. Келгусида улар янги тажрибани оммалаштиришга хизмат қилувчи тренинг марказларига айланиши кўзда тутилган.

Ҳозир 14 та таълим муассасасига алоҳида тайёргарликдан ўтган малакали психолог ва педагоглар жамоаси бирик-

MURUVVAT

Шахноза ХОЛИКОВА

ДИЛНОЗА ЁЛҒИЗ ҚОЛМАЙДИ

Пайарик туманидаги 20-умумтаълим мактабининг ёшлар етакчиси Нурали Қўшбоқов эзу-ишга қўл урди. Тенгдошимиз Ёшлар иттифоқи ҳамда “Камалак” болалар ташкилоти фаоллари билан бирга уйда таълим олаётган Дилноза Эрмухаммедовани йўқлади.



Ўқувчилар имконияти чекланган тенгдошимдан ҳол-аҳвол сўраб, унинг севили машғулоти — шахмат ўйини эканини билгач, “акт гимнастикаси”га бирварақайига киришиб кетди.

— Қизим билан имо-ишоралар орқали гаплашамиз, — дейди Қундуз Тошмуто-

ва. — Афсуски, ўқишига вақтида эътибор бериб, махсус мактабга жойлаштира олмадик. Бирок Дилнозанинг билим олишига иштиёқи баланд. Шундай пайтда унга далда бериб, яққалатиб қўймаётган мана бу меҳридарё ёшлардан жуда миннатдорман. Ҳаммалари барака топсин!

ORNAK OLI

Дилноза АБДУХАМИДОВА

Тасаввур қилинг, бепоён чўл бағридасиз. Атрофда дайди шамолнинг узундан-узук шивирлашию ўйноқи қумликларнинг рақсини томоша қиласиз. Охишта қадам ташлаётган туялар қарвони, саксувл ва янтоқларнинг сабрини ҳис этасиз...

Саҳрони ҳам яшнатгай одам

Энди айтинг-чи, бордию шу ерда яшаб қолишга тўғри келганида эртанги кун учун нималар қилган бўлардингиз? Бирланига турфа ҳаёллар оғушига фарқ бўлганингиз, қалбингизда бироз ҳадик уйғонганини сезиб турибман...

Навоийнинг Қонимех туманидан 250 километр узоқликда жойлашган “Холмурод” овулида ҳаёт жўшқин. Инсон ақлу заковати қанчалик қудратга эга эканига бу ерда бир бор келган киши амин бўлиши тайин. Қумликлар аро саратоннинг исигини ҳам менсимай, кечаю кундуз меҳнат қилишдан толмаётган овул аҳлига қойил қолиш керак. Ахир, 130 хонадон соҳибининг ҳар бири авлодлар келажагини ёрқинроқ қилмоқ йўлида елиб-югурияпти.

149 нафар ўқувчини ўз бағрига сиғдирган 25-умумтаълим мактабидаги Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти етакчиси Валихон Икромов ҳам ана шундай жонқур инсонлардан.

— Мактабимизда қозоқ тилида таълим берилади, — дейди суҳбатдошимиз. — Имкониятлар старли. Тўғри, муаммолар ҳам бор. Аммо уларни бартараф этиш мумкин. Муҳими, ўқувчиларимиз билимга чанқок. Улар истедодини намойиш қилишга интилади. Масалан, 10-синф ўқувчиси Алия Тўришова яқинда Қозғистонда еттига давлат вақиллари ўртасида ўтказилган қозоқ тили ва адабиёти



бўйича фан олимпиадасида қумуш медалга сазовор бўлди. Бундан жуда фахрланамиз.

Валихон Икромов ишдан бўш вақтида қорвачилик билан шуғулланади. Туяларни кўпайтиришни йўлга қўйган. Турмуш ўртоғи Гулжазира билан икки нафар фарзандни ҳам қамолга етказмоқда. Юртимизда ҳатто саҳрони обод этишга бел боғлаган серғайрат ёшларнинг борлиги қувонарли ҳол. Бугунги кунда юз бошдан ортиқ туяни кўпайтириб, шифобахш сути ҳамда жунини халқимиз эҳтиёжлари учун етказиб бераётган Валихондек азаматлар бор экан, мамлакат иқтисодиёти бундан кейин ҳам юксалаверишига шубҳа йўқ.

TASHABBUS

Деворий газета, иншо ва саҳна кўринишлари

Ойжамол РАҲМОНОВА



Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Анджион вилояти кенгаши ташаббуси билан ички ишлар ҳамда халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида “Биз жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қаршимиз!” шиори остида кўрик-танлов ташкил қилинди.

Анджион шаҳридаги Қўғирчоқ театрида ўтказилган тadbирда туман ва шаҳарлардан сараланган мактаб жамоалари “Деворий газета”, “Иншо”, “Саҳна кўриниши” шартлари бўйича билим ва истедодини намойиш этди.

Танлов доирасида ўқувчилар ички ишлар, ёнги хавфсизлиги ҳамда тез тиббий ёрдам хизматлари фаолияти билан танишиш имконига ҳам эга бўлди. Ғолиблик Балиқчи, Марха-



мат ва Қўғирчоқ туманлари жамоаларига насиб этди. Яқинда барча иштирокчилар учун вилоят марказининг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди.

ISLOHOT ODIMLARI

Самараси ўзини куттириб қўймайди

Файзулла НОРХЎЖАЕВ,
Тошкент давлат техника университети кафедра мудири

Юртимизда олий таълим тизими сифатан янги босқичга кўтарилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Сўнгги йилларда таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва режалар зamon талабларига мослаштирилиб, талабалikka қабул қилиниши шифоф механизми жорий этилгани фикримизни ёрқин исботлайди.

тиқ келишув имзоланди.

Халқаро ҳамкорлик масаласида пухта олиб борилган фаолият ўз натижасини узоқ куттирмайди. Бунга шахсий тажрибамда кўп бора амин бўлганман. Масалан, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети хориждаги бир қанча нуфузли олий таълим масканлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети билан илмий ва академик ҳамкорлик бўйича шартнома имзоланган. Унинг доирасида металлургия босим билан ишлов бериш кафедрасига бириктирилган талаба ва магистрантлар учун амалий машғулотлар ўтилди. Ёшларимиз Москва давлат техника университети кафедра мудири, техника фанлари доктори, профессор Сергей Евсюковдан маҳорат саботини олгани, айниқса, қувонарли ҳол.

Икки мамлакат профессор-ўқитувчилари келажақда давлат таълим стандартлари, ўқув дастур ва режаларни ишлаб чиқиш юзасидан тажриба алмашиши учун масофадан туриб маърузалар ўтишга келишиб олди. Шу аснода ҳамкорликда йирик лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Фикримизча, бундай сазй-ҳаракатлар тез орада ўз самарасини беради.

Соҳада қабул қилинаётган муҳим ҳужжатлар қаторида Президентимизнинг жорий йил 25 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги фармонини алоҳида ажратиб кўрсатиш жоиз. Сабаби у ўзидан хорижда яшаётган ва ишлаётган ватандошларимиз, айниқса, қатта илмий салоҳиятга эга олим мутахассислар, шу жумладан, ёшлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, жаҳон меҳнат бозорига рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга доир вазифаларни жамлаган бўлиб, бундай ёндашув иқтисодий йиғит-қизларимизга ривожланган мамлакатларда таълим олиши, етакчи халқаро институтлар ҳамда хорижий ташкилотларда тажриба ўрганишига кенг йўл очиб беради. Бу эса, таълим тарқоқети учун жуда муҳим.

Шу йилнинг 18-19 октябрь кунлари Россиянинг 80 та етакчи олий таълим муассасаси ректорлари иштирокида Ўзбекистон – Россия таълим форуми ўтказилган эди. “Янги иқтисодиёт учун янги кадрлар” мавзусидаги йирик анжуманда таълим ва фан соҳаларидаги ҳамкорлик, жумладан, юртимизда хорижий олий ўқув юртлири филиалларини очиб тўғрисида юзлан ор-

ESHITDINGIZMI?

ЯНГИ АКАДЕМИЯ ОЧИЛДИ

Пойтахтимиздаги “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида Ёш раҳбарлар академияси очилди. Тадбир чоғида иштирокчиларга янги муассасадаги таълим жараёни ҳақида батафсил маълумот берилди.



Анатолий КЕЧИН

Ёшлар иттифоқининг шаҳарча кенгаши ташаббуси билан ташкил қилинган академия йиғит-қизларни раҳбарликка тайёрлайди, бундан ташқари ёшлар билан боғлиқ муаммоларни ўрганади, таҳлил қилади ва уларга ечим излайди. Малакали мутахассислар тингловчиларга раҳбар-

лик маҳорати, бошқарув психологияси, раҳбар имиж, етакчи этикети, молиявий ва кадрларга оид ҳужжатларни тўғри юритиш бўйича дарс ўтади.

Ўқув курслари икки ойга мўлжалланган бўлиб, уни муваффақиятли тамомлаган ёшларга махсус сертификатлар топширилиб, давлат бошқаруви органларига ишга олиш учун тавсия этилади.

CHINGIZ AYTMATOV TAVALLUDINING 90 YILLIGI OLDIDAN

“ЖАМИЛА” яна саҳнада



Одильбек ЛАТИПОВ

Чингиз Айтматов нафақат киргиз, балки кўплаб халқларнинг севилиму ёзувчиси. Унинг номи XX асрда халқаро миқёсда тан олинган буюк адиблар билан бир қаторда тилга олинади. “Жамила” кинесаси Чингиз оғани жаҳонга танитган илк асардир.

Орадан шунча вақт ўтса-да, асарнинг кадр-қиммати заррача қамайгани йўқ. Чингиз Айтматовнинг 90 йиллик юбилейи муносабати билан унинг Қорақалпоқ давлат академик мусикали театри қайта саҳналаштирилди. Бу режиссёр Марқабай Усеновнинг дебют иши ҳисобланади.

— Инсоният бошидан кечирган қийинчиликларни адиб юксак маҳорат билан

қоғозга кўчирган, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шарап Уснатдинов. — Фикримча, “Жамила”ни яратиб ёзувчидан жуда қатта меҳнат ва матонат талаб қилган. Асарнинг бош қаҳрамонини эскилик сарқити бўлган доғдаларга қарши чиққан ёш киргиз аёли образида эркинлик гоёси устувор қилиб кўрсатилган. Режиссёр мана шу нозик жоҳатни илганганига қойилман.

Спектаклда маҳоратли актёрлардан Мийригул Мамбетмуратова (Жамила), Азиз Назаримбетов (Донийёр), Достон Баймурзаев (Сал), Айдиус Муратбаев (Усмон) ва Алишер Алимов (Содиқ) ролларни маромига етказиб ижро этган.

Chegara yo'q qish bilan kuzda



Bostanlug, Ishkembay

Hamdam SHORAHMEDOV olgan surat.

PSIXOLOG MASLAHATI

— Yoshim 21 da. Dugonam bilan juda ahilmiz. Lekin ba'zi masalalarda qattiq tortishib qolamiz. U birovning fikri to'g'riligini tan olgisi kelmaydi. Dugonamning bu fe'lini o'zgartirish uchun nima qilsam bo'ladi?

Nigora SAIDOVA
Samarqand shahri



Savolga psixolog Feruza TOLIPOVA javob beradi:

— O'ziga ishonchi baland va mustaqil fikriga ega inson kuchli, deb tan olinishga loyiq. Lekin bo'larbo'lmasga boshqalarning fikrini inkor etish hech kimga yarashmaydi. Dugo-

nangizning bunday fe'l-atvori atrof-dagi odamlarni boricha qabul qila olmasligidan dalolat beradi. Mazkur holat bora-bora kishi asab tizimiga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Dugonangizga hayotdagi istalgan odam yoki voqea-hodisani saboqdek qabul qilish lozimligini uqtiring. Boshqalar fikrini mensimaslik qanchalik noto'g'ri ekanini va juda xunuk ko'rinishini aniq misollar orqali tushuntirishga harakat qiling.

O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGI

8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 26 yilligi munosabati bilan O'zbekiston futbol assotsiatsiyasi ko'magida tele va radio kanallar, matbuot nashrlari, internet saytlari, nashriyat-matbaa ijodiy uylari jamoalari o'rtasida Agentlik kubogi uchun mini-futbol musobaqasi o'tkazilishini ma'lum qiladi.

Musobaqa ishtirokchilari besh-ta guruhga bo'linadi. "A" guruhida telekanallar, "V" guruhida radiokanallar, "S" guruhida respublika gazeta va jurnallari, "D" guruhida internet tarmog'ida OAV sifatida faoliyat ko'rsatayotgan veb-saytlar, "E" guruhida Agentlik tizimidagi korxonalarining jamoalari o'zaro bellashadi. Jamoalar bitta tahririyat yoki bir

yo'nalishdagi bir nechta tahririyat xodimlaridan tashkil topishi mumkin. O'yinchilarning umumiy soni 8 nafardan kam bo'lmasligi kerak.

Musobaqada ishtirok etish uchun ariza, jamoa a'zolarining ro'yxati va har birining tahririyat yoki nashriyotda ishlashi haqidagi ma'lumotnoma nusxasi joriy yil 15-noyabrga qadar Tashkiliy qo'mitaga topshirilishi kerak.

G'oliblar uchun quyidagi mukofotlar ta'sis etilgan:

1-o'rin — kitoblar jamlanmasi, musobaqa kubogi hamda 10 million so'm.

2-o'rin — kitoblar jamlanmasi hamda 8 million so'm.

3-o'rin — kitoblar jamlanmasi hamda 6 million so'm.

Shuningdek, "Eng yaxshi o'yinchi", "Eng yaxshi to'purar", "Eng yaxshi darvozabon", "Eng yaxshi yarim himoyachi" hamda "Eng yaxshi himoyachi" kabi nominatsiyalar bo'yicha ham g'oliblar aniqlanib,

pul mukofoti hamda qimmatbaho sovg'alar bilan taqdirlanadi.

O'yinlar O'zbekiston futbol assotsiatsiyasining sun'iy qoplamali maydonlarida 1-5-dekabr kunlari bo'lib o'tadi.



Manzil: Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Batafsil ma'lumotlarni (71) 244-23-72, (99) 898-06-20, (99) 870-83-04 telefon raqamlari, www.api.uz sayti hamda @matbuotminbari "Telegram" kanali orqali olishingiz mumkin.

NUQTAYI NAZAR

Maftuna VALIYEVA

Yaqinda ajoyib ruchka xarid qildim. Yozganini o'zi o'chiradi. Eh, tinib-tinchimagan odamlar-ey, nimalarni o'ylab topmaydi, deysiz.

Xatolarni tuzatib yashang

Bunday ruchka bilan xato qilib qo'yish ham qo'rqinchli emas. Daftaringiz bo'yalmaydi, biron joyiga dog' tushmaydi. Istalgan paytda siyohning izini o'chirish mumkin.

Shu payt xayolingma bir fikr chaqmoqday urildi-yu, bundan hatto, ich-ichimdan sevinib ketdim. Kelajakda miyamizdagi yomon o'y va xotiralarni butunlay o'chirish imkoni yaratilsa, qani edi. Zap ish bo'lardi-da. Nega desangiz, inson noto'g'ri bosgan qadami yoki bir og'iz nojo'ya gapi bilan kinningdir ko'nglini og'ritib qo'yishi mumkin. Shunda qalbdagi dog'larni tezda o'chirib tashlardik. Qarabsizki,

olam guliston. O'rtada gina-kudurat yo'qoladi.

Xayollar og'ushida kezib yurar ekanman, buvimning hikmati yodimga tushdi: "Bolan, har bir odam adashadi, bilib-bilmay, xato qiladi. Lekin muvaffaqiyatsizlik bizni toblaydi, kuchli qiladi, xolos. Chunki bugungi ishingdan xulosa chiqarasan, xatoni qaytarmaslik uchun ehtiyot choralarini ko'rasan".

O'ylab qarasan, yuqoridagi ruchka kabi ixtirolar biz uchun foydadan ko'ra, zarar ekan. Agar xatolarimizni hadeb o'chiraversak, unda mantiq qayerda qoladi?! O'rtadan mehr-oqibat ko'tariladi-ku! Bunga esa, yo'l qo'yib bo'lmaydi, tengdoshim.

HIKMAT

Agar kishi o'zini hamma narsani biladigan va hamma narsaga qodirday ko'rsatsa, bilingki, u hech narsani bilmaydi va hech narsaga qodir emas.

Lao-SZI

SENING TENGDOSHING

Har safar yangi syujet

Zulfizar JUMAYEVA



Mohinur Jalolovanning ustaxonasiga kirishingiz bilan sizni ranglar jilosi o'ziga maftun etadi. Musavvirning ichki olami antiqa. U yaratgan har bir obraz falsafiy mazmunga yo'g'rilgan. Ijodiy ishlari sizni xayolot ummoniga g'arq etayotgandek tuyuladi. Asarlarini tomosha qilayotib kompozitsiyalarning o'ziga xosligi diqqatingizni oshiradi.

Hozirda Mohinur P.P.Benkov nomidagi Respublika rassomlik bilim yurtida mohir musavvir ustozlardan saboq olmoqda. Shu bilan birga O'zbekiston yoshlar ittifoqining Toshkent shahar kengashida yigirma besh nafar o'g'il-qizga mahorat va bilimni ulashmoqda.

— Tasviriy san'at hayotimning ajralmas qismiga aylandi, — deydi Mohinur. — Manzara janrini yoqtiraman. Har safar yangi syujetlar topishga harakat qilaman. Ona yurtimiz tabiati, ko'hna yodgorliklari meni o'ziga maftun etadi, ilhom bag'ishlaydi. Xorijiy davlatlarda ko'rgazmalar tashkil etish — mening orzuim.

Orzuga ayb yo'q. Yosh rassomning teran maqsadlari, albatta, ro'yobga chiqishiga ishonamiz. Ajab emaski, kelajakda uning ijod namunalari nomdor muzeylar ekspozitsiyasini boyitsa.

YOSHLIK ILHOMI

DANGASANING MONOLOGI

Madina HOJIYEVA

Hech aql bovar qilmaydigan voqea: kechagina bitta kalamush shundoqqina yonimdan yangi poyabzalda o'tib ketdi. Ko'zlarimga ishonmadim! O'zimga qarayman, unga qarayman, poyabzalimga qarayman, unikiga qarayman. Xullas, tuni bilan uxlamay chiqdim. Eh, kalamush deganlari shunaqangi surbet bo'ladimi-a?!

Yaqinda do'konda ko'rib rosa havasimni keltirgan poyabzalni kiyib olibdi-ya! Ha-ha, xuddi o'zi. Balki kalamushlar orasida ham moda ishqi bozori bor.

O'ylab o'yimga yetolmay, boshim qotib turganimda bir mahal mushugim jomadonini yig'ib uydan chiqib ketishga tayyorlanyapti. "Nima gap?" — deb so'rasam: "Xo'jayin, ahvolim nochor. Bir chetga chiqib, ishlab kelmasam, kosam oqarmaydigan ko'rinadi. Qachongacha chidab yuraman. Kredit oldingiz-u, shorimizga sho'rva to'kildi!" — deydi!

Nima qilay, portalgga yozaymi? Bir qarich arqon olib o'zinni osaymi? Axir, qarz qiyomatlik narsa, to'lashim kerak!

Yo'q, men ishlayman, qarzimni uzaman! Labbay? Bir nima dedingizmi? Ha, har kuni shu gap deysizmi? Yo'q, yo'q. Ani. Bu oxirgisi, hozirdan harakatimni boshlayman. Faqat oldin uxlab olay, ertaga bir gap bo'lar.

Dizayner

Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich

Navbatchi

Hasan Usmonov

"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.



Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bo'smaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeksler: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-1136
Adadi — 11186

Bosishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 23.15
O'zA yakuni — 21.55

Ofet usulida bosilgan

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

1 2 3 4 5